

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА ИККИ ТИЛЛИЛИК (ЎЗБЕК-ИНГЛИЗ)

Зилола Миркасимова

МТТДМҚТМОИ таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7315020>

Аннотация. Мазкур мақола мактабгача ёшдаги болаларда икки тиллилик (ўзбек-инглиз)ни шакллантириш орқали, уларнинг когнитив(билиш) компетенциясини ривожлантириш мумкинлиги ҳамда бу борада олиб борилган бир қатор тадқиқотлар натижаларини ўз ичига олган. Ҳар қандай тил ҳоҳ у иккинчи ёхуд хорижий тил бўлишидан қатъий назар она тили билан параллел олиб борилиши кераклиги ва бир тил иккинчисига халакит бермаслигини ёқлайди.

Калим сўзлар: Билингвизм, Психоллингвистика, когнитив (билиш), ярим тиллилик.

ДВУЯЗЫЧНОСТЬ В ШКОЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ (УЗБЕКСКИЙ-АНГЛИЙСКИЙ)

Аннотация. В данной статье приведены результаты ряда исследований возможности развития познавательной компетентности дошкольников через формирование двуязычия (узбекско-английского). Он выступает за то, чтобы любой язык, будь то второй или иностранный, преподавался параллельно с родным языком, и чтобы один язык не уничтожил другой.

Ключевые слова: двуязычие, психоллингвистика, когнитивное (познание), полуязычие.

BILINGUALITY IN SCHOOL EDUCATION (UZBEKI-ENGLISH)

Abstract. This article contains the results of a number of researches on the possibility of developing cognitive (cognitive) competence in preschool children through the formation of bilingualism (Uzbek-English). He advocates that any language, whether it is a second or a foreign language, should be taught in parallel with the mother tongue, and that one language should not destroy the other.

Key words: Bilingualism, Psycholinguistics, cognitive (knowing), semilingualism.

Билингвизм атамаси лотин тилидан олинган бо`либ, «би-кки ва лингуа-тил» яъни икки тилда гапириш ва тушуниш қобилияти назарда тутилади. Бироқ шу кунга қадар олиб борилган тадқиқотларда билингвизмнинг боланинг билиш компетенцияси ривожига бўлган таъсирини турлича талқин қилинган.

Билингваллик бўйича олиб борилган тадқиқотлар тарихига назар солсак, жумладан 1920-1930 йилларда олиб борилган тадқиқотлар билингв (икки тилли) болаларнинг ақлий ҳамда нутқий ривожланиши, монолингв (якка тилли) болаларниқига қараганда анча орқада деган фикрлар илгари сурган. Саер Д. Ж тадқиқотларида билингвизм кичик ёшдаги болаларнинг ақлий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади ва уларни тиллар мулоқотида чалкаштиради деган ҳулосани берган.

1940 йилга келиб бир қатор олимлар билингв болаларнинг ақлий ривожланиши ҳамда билиш даражаси монолингв болаларниқига билан тенг эканини тасдиқладилар.

Билингвалликни мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига ижобий таъсири катта эканлиги илк маротаба 1962 йилда Канаданинг Ёрк университети профессори, психолог эллен Биалисток мақоласида баён қилинган эди. Элизабет Пилл ва Уоллес Ламберт Монреалда инглиз ва француз тилларида сўзлашувчи билингв болалар ҳамда фақатгина француз тилида сўзлашувчи монолингв болаларни таққослаган ҳолда ўтказган

тадқиқоти, билингв болаларнинг билиш даражаси монолингвларникига қараганда анча юқори эканини қайд этиб ўтган.

Психоллингвистика бўйича олиб борилган тадқиқотлар ҳақиқий икки тиллилик фақат одам ҳеч бўлмаганда битта тилда ҳар қандай фикрни мос тарзда ифодалашга қодир бўлган тақдирдагина ривожланади. Агарда нутқ биронта тилда ҳам тўлақонли шаклланмаган бўлса, бу ҳолда фикр тузилмаси бузилиб кетади ва ўз фикрини ифодалашга бўлган интилиш муваффақиятсизликка учрайди, бу эса нафақат психологик эзилишларга, балки мулоқот сифатидаги чуқур йўқотишларга ва инсон шахсига зиён етишига олиб келади. Ярим тиллилик деб аталадиган бундай ҳодиса, умуман олганда, жамият учун ҳам анча хавфлидир, чунки бунда унинг аъзоларининг муайян қисми хиссиётларини, эҳтиёжлари, истак-хоҳишларини тегишли тарзда сўз шаклига келтира олмайди. Агарда инсон хоҳлаган нарсасини айта олмаса, у бошқалар тенг равишда рақобатлашишга коммуникациянинг одатдаги шаклларида фойдаланишга қодир бўлмай қолади ҳамда у ўз-ўзини бошқаришни қандайдир бошқа шаклларига мурожаат қилишга, баъзан эса зўравонлик қилиш, куч ишлатишга мажбур бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда, илк ёшдан бошлаб индивиднинг нутқий ривожланишини тузатишни тўғри ташкил этиш зарур. “Илк старт”она тилини қабул қилишга ва кейинчалик ҳар қандай бошқа тилни ўзлаштириб олишга ҳам ижобий таъсир кўрсатади”. Тил қанчалик олдин эгаллаб олинса, билимлар ҳам шунчалик осон ва тўлиқроқ ўзлаштирилади.

Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар билингвалик мактабгача ёшдаги болаларнинг билиш компетенцияси ривожини учун нақадар фойдали эканини кўрсатмоқда.

Т.В.Багданованинг таъкидлашича, 1990-2000 йилларда ўтказилган Пилл ҳамда Ламбертлар тадқиқотлари кўпчилик олимларни билингвизм ҳодисасини тадқиқ қилишга ундади. Хусусан Э.Биалисток билингвизмни боланинг когнитив ривожланишига бўлган таъсирини ўрганди. Икки тилни яхши биладиган болалар билан ишлаш жараёнида шуни аниқладик, билингвлар лингвистик жараёнларни юқори даражада назорат қила олишар экан. Бу нарса уларнинг когнитив ҳамда коммуникатив компонентларни таҳлил қила олишларида намоён бўлади.

Когнитив тестлар натижаси билингв болаларнинг когнитив ривожланиш даражаси монолингв болаларникига қараганда бир мунча юқори эканини кўрсатди.

Балкан, Сумминс, Пинто Таесчнер, Титонелар фикрича билингваллик боланинг когнитив (билиш) ҳамда металингвистик қобилиятларини ривожлантиради.

Психологларни таъкидича болалар тилларни осон ўзлаштирадилар, тилларни ўзлаштиришни ҳам ҳудди ўйиндек қабул қилишади. Энг муҳими улар тилни ўзлаштириш жараёнида хато қилишдан қўрқинмайди, шунинг учун ҳам уларни икки ва ундан ортиқ тилларни ўзлаштириши катталарга нисбатан осон кечади. Билингв болалар монолингв болаларга нисбатан тез қарор қабул қилишади, бунга сабаб уларнинг мия фаолияти биринчи тилдан иккинчи тилга тезда ўта олишидадир. Бунда болалар бир тилни фаоллаштиришса иккинчи тилни мияда сақлаб туришларига тўғри келади. Бу эса ўз навбатида мия учун ривожлантирувчи машқлардан бири бўлиб хизмат қилади.

Хулоса тарзда шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мактабгача ёшдаги болаларда шаклланаётган тиллар, уларнинг она тилисини унут бўлишига ҳам сабабчи бўлиши мумкин экан. Шундай экан тилларга ихтисослашган мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчилари, уй шароитида фақатгина ўз она тилларида мулоқотга киришишлари,

нафақат уларнинг она тиллари ривож учун хизмат қилади, балки боланинг когнитив ривож учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

REFERENCES

1. Saer D. J. The Effects of Bilingualism on Intelligence [Text] / D.J. Saer// British Journal of Psychology. -1923.-No.14.- P. 25-38.
2. Pinter, R. The relation of bilingualism to verbal intelligence and school adjustment [Text] / R. Pinter, S. Arsenian // Journal of Education Research. -1937. – No.31. - P. 255-260
3. Д.Р.Бабаева. Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси. Дарслик.-Т.: “Баркамол файз медиа”,2018, 73б.-432Б.
4. Жинкин Н.И. Механизмы речи. – М. АПН, 1958.-С.38
5. Биалйсток, э. Билингуализм ин Девелопмент: Лангуаге, Литерасй анд Согнитион [Техт] / э. Биалйсток.- Самбридге: Самбридге Университй Пресс,
6. Bagdanova T.V. Bilingvizmning rivojlanish tarixi: maqola, jurnal poznanie-Chelyabinsk,2017